БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 241 (18.119). ● 18 октябрь 1981 йил, якшанба ● Баҳоси 2 тийин.

СССР 60

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ —УЛУҒ ОКТЯБРГА!

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	1,05	102,17	1,29	111,50
Бухоро	1,45	88,11	1,57	80,68
Жиззах	2,48	80,25	2,19	87,99
Сирдарё	1,95	80,14	1,80	85,85
Қашқадарё	1,45	77,65	1,70	61,24
Наманган	1,30	73,61	1,78	64,49
Фарғона	1,22	71,10	1,65	56,65
Сурхондарё	1,50	70,23	1,35	53,66
Андижон	1,38	60,64	1,71	41,65
Хоразм	2,68	56,09	3,51	45,22
ҚҚАССР	2,54	46,12	2,63	29,53
Самарқанд	2,50	45,52	2,48	26,62
Республика бўйича:	1,72	69,90	1,90	61,24
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,01	83,12	0,57	53,71
Наманган	1,90	79,90	4,75	71,10
Сурхондарё	1,98	65,03	1,82	52,86
Қашқадарё	1,75	43,80	2,55	18,05
Республика бўйича:	1,83	60,38	2,01	40,89

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Арнасой районидаги Василевский номли совхознинг Б. Жабаев бошлиқ бўлим пахтакорлари областда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини 7 иш кунида бажардилар. Мавжуд 432 гектар майдондан дастлабки теримдаёқ 20 центнердан хирмон кўтарилди. Бўлимнинг Нодир Абдураимов, Суйинбой Жабаев бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик бундан ҳам зиёд бўлди.

«Оқ олтин»нинг асосий қисми машиналарда терилаётир. З. Сарсинов, Б. Амирхонов, Ж. Толипов сингари пешқадам механизаторларнинг ҳозиргача терган пахтаси 100-110 тоннадан ошиб кетди. Бўлим заршунослари далалардаги ҳосилни чамалаб, ҳосилдорликни 30 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● РЕСПУБЛИКА ПАХТАКОРЛАРИ 16 ОКТЯБРЬ КУНИ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 100.327 ТОННА ХОМ АШЁ ТОПШИРДИЛАР. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ДАВЛАТГА 4.082.325 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

● ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ БИР КУНДА 73.577 ТОННА, МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ЭСА 2.369.808 ТОННА ХОМ АШЁНИ МАШИНАЛАР БУНКЕРИДАН БЎШАТИШДИ.

● Бир кунда 6.754 тонна, мавсум бошидан буён эса 223.401 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

● Йиғим-терим Хоразм, Самарқанд, Жиззах областлари ва Қорақалпоғистон АССРда жадал суръатларда боряпти.

● МАВСУМ ПЕШҚАДАМЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

ОҚҚЎРҒОН ПАХТАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Оққўрғон райони заршунослари давлатга 60.800 тоннадан зиёд «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш йиллик планини бажаришди. Улар ялпи ҳосил миқдорини 70 минг тоннага етказиш мажбуриятини олдилар. Районда ўртача ҳосилдорлик 32 центнерни ташкил этди. Машиналар ёрдамида 47.200 тонна пахта териб олинди. Ҳар бир машина билан ўртача 123 тоннадан «оқ олтин» терилди.

Ҳосил йиғим-теримининг муваффақиятига «Ленинизм», Охунбобоев номли, Ҳамид Олимжон номли колхозлар ва С. Сегизбоев номли совхоз деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларнинг заршунослари гектаридан 33—38 центнердан ҳосил кўтаришди.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

Бухоро областида икки район, тўққиз совхоз, 26 колхоз, 23 бўлим ва 680 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишни давом эттирмоқда.

Олот районида йиғим-терим суръати юқори бўляпти. Бу ерда кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан 2,5 процентни ташкил этмоқда. Районда машина терими плани 104 процент адо этилди.

Навоий районидаги «Нарпай» совхозида 62 пахта териш машинасининг ҳаммаси унум билан ишлатилаётир. Ҳар бир агрегатнинг кунлик ўртача иш унуми 7,8 тоннани ташкил этмоқда. Бункерлардан ҳар куни 12—13 тоннадан пахта бўшатаётган Муртоз Жумаев ва Нозим Алимовлар механизаторлар мусобақасида пешқадамлик қилишмоқда.

Свердлов районидаги Гагарин номли колхоздан СССР Олий Советининг депутати, КПСС XXVI съезди делегати Мунаввар Ҳамроева бригадаси йиллик планни бажарди. Давлатга 208 тонна хом ашё топширилиб, ҳосилдорлик гектарига 38,2 центнерга етказилди. Деҳқонлар ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга қарор қилдилар.

Вобкент районида терим суръати жуда паст. Бу ерда кунлик ўсиш йиллик планга нисбатан атиги 0,8 процентни ташкил этаётир.

Вобкентликлар ғайрат қилинг! Илғорлардан ортда қолманг!

* * *

Ворошилов райони пахтакорлари областда дадил карвонбошилик қилмоқдалар. Район пахтакорлари мавсум бошидан буён йиллик планга нисбатан 92,73 процент хом ашё тайёрлашга эришдилар.

Ильич районидаги Ғ. Ғулом номли совхоз меҳнаткашлари социалистик мажбурият ҳисобига дастлабки тонна хом ашёни топширишди. Совхоз коллективи қабул пунктларига 4,5 минг тоннадан зиёд дурдона топширди. Хўжалик деҳқонлари ялпи ҳосилни 6 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

* * *

Арнасой районидаги Василевский номли совхоз пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Пахтакорлар давлатга 4.400 тонна «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Совхоз азаматлари ялпи хирмон салмоғини 5 минг тоннага етказишга қарор қилишди.

* * *

Мирзачўл районидаги «Партия XXV съезди» совхози меҳнаткашлари ҳам пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Дўстлик районидаги Ленин номли совхоздан Омон Абдуллаев бригадаси заршунослари гектаридан 42 центнердан ҳосил кўтариб, социалистик мажбуриятни адо этдилар.

ҲАШАРЧИЛАР ДАЛАДА

Ҳосил йиғим-теримида пахтакорларга шаҳарликлар анчагина ёрдам кўрсатишмоқда.

Ленинск шаҳридаги совет савдоси техникуми ўқувчилари ҳар куни ўртача 75 килограммдан пахта термоқдалар. Улар мавсум бошидан буён хирмонга 1250 тонна хом ашё топширдилар.

РАПОРТЛАР ОДИМИ

Хоразм областида терим суръати кун сайин ошяпти. 52 бригада пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Гурлан районидаги «Ленинизм» колхозининг Қутлибой Тожиев бошлиқ комплекс механизациялашган бригадаси юксак социалистик мажбуриятни бажарди. 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48 центнердан ҳосил олинди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан деҳқонлар Улуғ Октябрь байрамигача ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Хива районидаги Беруний номли колхозда 17 терим агрегатининг ҳар бири билан 10 тоннадан пахта териб олинди. Болта Болтаев ва Ёқуб Ёқубов сингари механик-ҳайдовчилар ҳар куни қарийб 20 тоннадан пахта теришмоқда.

СУРЪАТНИ ОШИРИНГ!

Кейинги кунларда ҚҚАССРдаги кўпгина хўжаликларда йиғим-терим суръати сезиларли равишда ошди. Чунончи, Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозида 4 кун мобайнида 21,6 процент ўсишга эришилди.

Аммо Корақалпоғистондаги бир қатор хўжаликлар ҳамон жиддий оқсамоқдалар. Масалан, Шуманай районидаги «Комсомол» совхози пахта тайёрлаш планини энди 35 процентга етказди. Беруний районидаги Будённий номли совхоз, Шуманай районидаги Киров номли колхоз, Хўжайли районидаги «Тошкент» совхози ва бошқа хўжаликларда кўрсаткичлар жуда паст.

* * *

Республика меҳнаткашлари! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаати барчамизни меҳнат жасоратига чорламоқда. Пахта йиғим-терими суръатларини янада оширайлик! Ватанга камида 6 миллион тонна Ўзбекистон пахтасини армуғон этайлик!

Замондошларимиз

ПАХТА ИШҚИ

Андижон области. Бўз районидаги Тельман номли колхоз пахтакорлари съездлар йилида 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олишган. Далаларда мажбуриятни бемалол қоплайдиган ҳосил етиштирилди. Оппоқ пайкалларда ўнлаб агрегатлар юксак унумда ишлатилаётир. Зум ўтмай «зангори кема»ларнинг бункери «оқ олтин»га тўлади. Момиқдай пахта шу заҳотиёқ «пўлат арава»ларга ағдарилади. Дурдонага тўлган тележка пунктга ошиқади.

Вақт зиқ. Ҳар дақиқа ғаниммат. Республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатига жавобан механизаторлар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, терим суръатини тобора оширмоқдалар. Механизаторлар мусобақасида Давронбек Нурматов пешқадамлик қиляпти. У зиммасидаги 300 тонналик мажбуриятни бажариш учун ҳар дақиқадан унумли фойдаланмоқда.

Колхоз механизаторлари ялпи ҳосилнинг 90 процентини агрегатлар бункеридан тўкишга қарор қилишган. Бу областда энг юқори кўрсаткичдир. Давронбек Нурматов, Қобилжон Эргашев каби қалби пахта ишқи билан тўлиб тошган жонкуяр механизаторлар бор экан, бу марра сўзсиз эгалланади.

СУРАТДА: Давронбек Нурматов.

А. Мирзажонов фотоси.
(ЎзТАГ).

Механизаторлар мусобақаси

ВАЪДАГА ВАФО — МАРДНИНГ ИШИ

Ғафурбек ҲАКИМОВ
Гулистон районидаги Ленин номли колхоз механизатори

Мусобақадошим МУСАДДИН

Ўзаро мусобақамиз шартларининг ижроси ҳақида Сизга маълумот беришни лозим топдим. Бригадамиз бўйича 118 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олганмиз. Юқори ҳосил етиштирдик. Йиғим-теримни қизғин давом эттиряпмиз. Узоғи билан тўрт-беш кунда планни ошириб бажарамиз.

Менинг ўзим зиммага олган мажбуриятни бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдаман. Ҳозирга қадар машинада 240 тоннадан ошириб пахта тердим. Далаларда 30 та пахта териш машинаси унумли ишлаяпти. Колхозимиз бўйича 3 минг тонна пахтани машиналарда териш мажбуриятини олганмиз.

Биз етиштирилган ҳосилнинг бир чигитини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Мусобақадошим бўлганингиз учун Сизнинг ишларингиз, хўжалигингиздаги ҳамкасбларимизнинг йиғим-терим мавсумида эришаётан ютуқлари ҳақида билишни истар эдим.

Мусаддин КУЧИЕВ,
Комсомол районидаги «Коммунизм» колхози механизатори

Ҳурматли ҳамкасбим ҒАФУРБЕК

Сизнинг йиғим-терим мавсумида эришаётган ютуқларингизни диққат билан кузатиб бормоқдаман. Яхши натижаларга эришаётганингиздан бениҳоя хурсандман.

Бизнинг колхозимиз, шунингдек бригадамиз пахта тайёрлашда карвонбошилар сафида бормоқда. Бригадамиз коллективи 105 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни ортиғи билан адо этди. Ялпи ҳосилнинг 97 процентини машиналарда йиғиштириб олдик. Йўлдош Пирматов, Анвар Ҳамдиев каби ҳамкасбларимиз 110—130 тоннадан пахта теришиб, хирмонга катта ҳисса қўшдилар. Ўзим ҳозирга қадар 130 тоннадан ошириб пахта тердим.

Колхозимиз бу йил давлатга 4750 тонна «оқ олтин» етказиб беради. Шундан 3600 тоннасини биз механизаторлар «пўлат этак»лардан тўкамиз.

Мен ҳам зиммамга олган 200 тонналик маррани ошириб бажариш учун астойдил ҳаракат қиляпман. Сиз тўғри айтибсиз: ваъдага вафо — марднинг иши. Сўз бердикми, албатта, бажарамиз.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

САМАРҚАНД, 17 октябрь. (ЎзТАГ). СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган бошлиқлари бугун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов билан учрашдилар.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида Ш. Р. Рашидов партиянинг доно ленинча миллий сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётганлиги, СССР халқларининг интернационал дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами туфайли республиканинг хўжалик ва маданий қурилишда эришган жуда катта ютуқлари тўғрисида меҳмонларга батафсил гапириб берди. Совет Ўзбекистони коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий режаларини бажара бориб, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлашни тобора ривожлантириш учун курашмоқдалар.

Ш. Р. Рашидов суҳбат давомида таъкидлаб ўтдики, ялпи тинчлик халқлар хавфсизлиги ва ижтимоий тараққиёт учун актив ва изчил кураш олиб бориш —КПСС ҳамда Совет давлати ленинча ташқи сиёсатининг бош йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС XXVI съезди халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг кенг амалий программасини илгари сурди. Совет коммунистларининг буюк анжумани КПСС XXVI съезди минбаридан туриб Л. И. Брежнев таклиф этган янги совет ташқи сиёсат ташаббуслари комплекси партиянинг XXIV ва XXV съездлари эълон қилган Тинчлик программасини халқаро ҳаётнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим актуал проблемаларга татбиқ этилган изчил давоми ва ривожланишидир.

Ш. Р. Рашидов сўзининг охирида коммунистлар, бутун совет халқи, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари тинчлик, хавфсизлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча халқлар ва тараққийпарвар кучлар билан интернационализм принципларига асосланган бирдамлигини амалда исбот этганлигини уқтириб ўтди.

Дипломатия корпуси аъзолари номидан унинг дуайени, Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Д. Жулев Ўзбекистонда самимий шодиёна қабул қилганликлари учун миннатдорчилик изҳор этди, республика меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини қизиқтирганлигини уқтириб ўтди.

Суҳбатда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, область ижроия комитетининг раиси С. Х. Ҳамроқулов, СССР Ташқи ишлар министрлиги протокол бўлимининг мудири Д. С. Никифоров, СССР Ташқи ишлар министрлиги иккинчи Африка бўлимининг мудири В. А. Лихачев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Х. Р. Раҳимов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри Б. А. Абдураззоқов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ф. Файзиев, Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раиси А. Ҳ. Худойқулов, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

ЛЕНИН ГВАРДИЯСИНИНГ ЖАНГЧИСИ

Россиядаги революцион ҳаракатнинг энг кекса иштирокчиларидан бири Л. А. Фотиева туғилган куннинг 100 йиллигига бағишлаб 16 октябрь куни Москвада тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти билан В. И. Ленин Марказий музейи ўтказди.

Нотиқлар Л. А. Фотиева ўзининг бутун ҳаётини Ватанга садоқат билан хизмат қилишга, коммунизм қурилиши ишига бағишлаганлигини уқтириб ўтдилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, партия ветеранлари, олимлар, Москва жамоатчилигининг вакиллари қатнашдилар.

(ТАСС).

БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ

Маҳсулот сифатини ошириш, хом ашё базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш шу беш йилликда озиқ-овқат саноати корхоналари меҳнаткашларининг асосий вазифасидир. Тармоқ ходимларининг профессионал байрам кунига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчилари мазкур вазифалар қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисида, ишни янада такомиллаштириш йўллари ҳақида гапирдилар.

Президиумда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Макеев, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Ф. И. Мочалин, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақа ғолиблари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда СССР гўшт ва сут саноати министри С. Ф. Антонов доклад қилди.

(ТАСС мухбири).

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

УРГАНЧ, 17 октябрь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда область саноат ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ишлаб турган ва янгидан ишга туширилган қувватлардан тўла фойдаланиш негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ўстириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида Хоразм область коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда машина-ускуналарнинг бекор туриб қолишини тугатиш, буюмлар сифатини ошириш, илғор технологияни жорий этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

САМАРҚАНДДА АВТОБУС ВОКЗАЛИ

САМАРҚАНД, 17 октябрь. (ЎзТАГ мухбири). Бугун бу ерда янги автобус вокзали ишга туширилди. Вокзал бир соатда 500 йўловчини ўтказа олади. Салкам 1300 квадрат метр саҳнли бинода кенг кутиш зали, багаж сақлаш камераси, она ва бола хонаси, шаҳарлараро автомат телефонлар бор.

Вокзални «Автострой» тресги Самарқанд бошқармасининг коллективи «Узгипроавтодор» институтининг якка лойиҳасига биноан қурди.

Бу транспорт марказининг Самарқанд аэропорти яқинида жойлашганлиги самолёт пассажирларига ҳам анча қулайликлар туғдиради. Областлараро линияга билет олган йўловчилар самолёт учолмайдиган ҳаво бўлган тақдирда дарҳол автобусга ўта оладилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА,

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Биз, Совет Иттифоқи олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари КПСС ленинчи Марказий Комитетига, азиз Леонид Ильич, Сизга, қизғин салом ва совет халқининг фаровонлиги тўғрисидаги, фан, маданият, маорифни ривожлантириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун астойдил миннатдорчилик билан мурожаат қиламиз.

Олий ўқув юртларининг жамиятшунослари бутун совет халқи билан биргаликда КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, содиқ ленинчи, ҳозирги замоннинг атоқли сиёсий арбоби, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини тўла-тўкис ва батамом маъқуллайдилар.

КПСС ва Совет давлати ҳозирги замоннинг барча тараққийпарвар кучлари авангардида, бутун дунёда тинчлик учун кураш авангардида бораётганлиги билан, совет халқини улуғ Ленин кўрсатган йўлдан комил ишонч билан бошлаб бораётганлиги билан чексиз фахрланамиз.

КПСС XXVI съезди ривожланган социализм даврида партиянинг бош вазифасини амалга ошириш йўлларини аниқлаб берди, коммунизм барпо этаётган совет халқи мақсадларининг улуғворлигини ва идеалларининг олижаноблигини ёрқин намойиш этди, Ватанимизни ривожлантиришнинг янги истиқболларини белгилади.

КПСС XXVI съездининг қарорлари барча идеология ходимларини ижодий марксизм-ленинизмнинг янги хулосалари ва қоидалари билан қуроллантиради, бу эса партия билан халқнинг революцион ўзгартирувчилик фаолияти учун, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

КПССнинг улуғвор режаларини бажаришда олий мактабнинг роли катта. Олий мактаб шу беш йилликда мамлакатга диалектик-материалистик дунёқараш билан, чуқур профессионал билимлар билан қуролланган, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган, партия билан халққа астойдил содиқ, исталган дақиқада социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр бўлган ҳар томонлама маълумотли ёш мутахассисларнинг янги отрядларини тайёрлаб бериши керак.

Азиз Леонид Ильич! Биз Сизнинг совет жамиятшуносларига йўллаган табрикномангиз ва билдирган эзгу истакларингизни баланд руҳ билан кутиб олдик.

Биз ўз билимларимизни доимо бойитиб боришга, ғоявий ва маънавий принципиаллик, коммунизм ишига содиқлик намунасини кўрсатишга интилаверамиз.

Биз олий мактабда КПСС тарихини, фалсафа, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизмни ўқитишнинг ғоявий-назарий савиясини оширишни, таълим-тарбия жараёнининг практика билан, коммунистик қурилиш вазифалари билан алоқасини мустаҳкамлаш учун барча зарур ишларни қиламиз. Студентлар марксизм-ленинизмни яхлит таълимот сифатида чуқур эгаллашига эришамиз, уларда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, КПСС ҳужжатларини, Л. И. Брежневнинг ва партия бошқа раҳбарларининг асарларини ўрганишга бўлган узвий эҳтиёжни — ҳосил қилинган билимларни ўзларининг амалий фаолиятида ижодий қўллана билиш маҳоратини тарбиялайверамиз. Бизнинг вазифамиз ғоявий-тарбиявий ишларнинг формаларини доимо янгилашдан, ёшларнинг ақли ва ҳис-туйғуларига, бўлажак мутахассисларда қатъий коммунистик эътиқод, юксак маънавий маданиятни шакллантиришга таъсир ўтказишнинг энг самарали воситаларини топишдан иборатдир.

Биз ижтимоий ривожланишнинг ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал проблемаларини илмий тадқиқ этишни кенгайтириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишни, таълим-тарбия жараёнининг дунёқараш жиҳатларини янада кучайтиришни, буржуа идеологиясига, антикоммунизмга, ревизионизм ва оппортунизмга қарши ҳужумкорлик курашини кучайтиришни ўзимизнинг бурчимиз деб биламиз.

Биз бундан буён ҳам КПСС XXVI съездининг ғояларини пропаганда қилаверамиз, унинг қарорларини рўёбга чиқаришда ғоят актив иштирок этаверамиз.

Бутуниттифоқ кенгаши олий ўқув юртларининг студентларга марксча-ленинча таълим беришни яхшилаш соҳасидаги ишларига якун ясади ва партия XXVI съезди талаблари асосида КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм кафедраларининг амалий вазифаларини белгилаб берди.

Кенгаш қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини, азиз Леонид Ильич, Сизни ишонтириб айтадиларки, мамлакат олий ўқув юртлари жамиятшуносларининг кўпминг кишилик отряди ўзининг бутун кучи, тажрибаси ва билимини КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга, бўлажак мутахассисларни Ленин партияси сиёсатининг содиқ тарғиботчилари, ўз Ватанининг жонкуярлари, интернационалистлар, коммунизм учун, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун актив курашчилар қилиб тарбиялашга сарфлайди.

ЭНГ БИРИНЧИ БУРЧ

Жиззах

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикамиз аҳлига Мурожаат қилиб, «оқ олтин» йиғим-теримида жуда актив қатнашишга, пахта далаларида икки карра, уч карра зўр ғайрат билан меҳнат қилишга даъват этдилар. Бугунги кунда ҳар бир хўжалик, бўлим ва бригадалар ўз ишларини ана шу даъват асосида ташкил этиб, меҳнатда чиндан ҳам катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Қуйида Жиззах областининг икки пешқадам хўжалиги раҳбарларига сўз берамиз.

Инобат ОХУНОВА,
Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхози директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати

Она-Ватанга 11 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш учун курашаётган пахтакорларимиз шу кезларда кунига йиллик планнинг 11—12 проценти миқдорида пахта топшираётир. Бу терим ишларининг аниқ график асосида ташкил этилганлиги шарофати, албатта. Октябрнинг биринчи ўн кунлигида йиллик планнинг 80 проценти миқдорида пахта топширганлигимиз бунинг ёрқин далилидир.

Чўлқуварларимиз 3538 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун ҳар қачонгидан яхши меҳнат қилдилар. Ҳар бири 140 гектар майдоннинг гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаган Жумабой Абдуқодиров, Тўлқин Умматқуловлар бошлиқ бригадалар иши айниқса, таҳсинга лойиқдир. Хўжалигимизда йиғим-теримнинг барча жараёнлари комплекс механизация асосида ташкил этилиши яхши натижа берди. Бу ерда пахтачилик бригадаларининг ҳаммасига механизатор кадрлар бошлиқ қилиб тайинланди. Жумладан, бўлим бошлиғи коммунист Турғун Бердиевнинг ўзи ҳам механизаторлик қилди.

Терим қизғин тус олиб, совхоз бўйича 90 машина бирдек иш бошлагач, мавжуд 200 прицеп терилган ҳосилни ташишга улгурмай қолди. Қўшимча 15 автопоезд олдик. 18 та терим группасининг ҳар бирига 5 тадан звено бириктирилди. 67 коммунист иш бошлиқ қилди. Шу кунларда мавсумда 250—300 тоннадан пахта теришга бел боғлаган Бозорбой Усмонов, Зокир Умматқулов, Номоз Фармонов, ака-ука Анорбой ва Номозбой Эшназаров сингари механизаторлар ҳар куни хирмонга 14—16 тоннадан дурдона тўкишяпти. Уларнинг шу кунгача терган пахтаси 170—200 тоннадан ошиб кетди.

Бўлимлар, бригадалар, теримчи ва транспортчилар ўртасида ташкил этилган мусобақа ҳар беш кунда якунланиб турибди. Илғор отрядларга бериладиган Қизил байроқ билан бирга 500 сўмлик биринчи мукофот ва ҳар бири 200—300 сўмлик иккинчи, учинчи мукофотлар ҳам таъсис этдик. Асқарали Имомов бошлиқ 5-бўлим пахтакорлари ўтган ўн кунликда 70 процент пахта бериб, биринчи мукофотни олишга эришди. «Дала-бункер-тайёрлов пункти» конвейери мусобақасида механизаторлардан Олим Муҳаммадиев билан Холмат Худоёров пешқадамлик қилди. Уларнинг ҳар бири кунига 17 тонна ўрнига 40 тоннагача пахта ташишмоқда. Ташилган ҳар бир тонна пахта учун қўшимча нақд 70 тийиндан ҳақ тўланяпти.

Чўл пахтачилиги кўплаб тадбиркор, тажрибали ҳосил усталари тайёрлаяпти, уларни бир-бири билан яқиндан таништирмоқда. Чунончи, каттақўрғонлик Ҳамза Умаров, гулистонлик Зокир Умматқулов, фарғоналик Асқарали Имомов сингари механизаторлар бир бўлимда елкама-елка меҳнат қилиб, 400 гектар ерининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашда дўстлашишди. Айни пайтларда кунига 12—15 процентдан пахта топшираётган совхозимиз хирмонида бу уч дўст механизаторнинг ҳам ҳар бири ҳиссасига кундалик 14—16 тонналик улушлари бор.

Республика партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатида **«Бутун ҳосилни сўнгги чаноғигача ғоят қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш... бизнинг энг биринчи бурчимиз»** — дейилган. Биз, бу даъватга жавобан йиллик планимизни ва зиммага олган 2 минг тонналик қўшимча мажбуриятимизни 20 октябрга қадар бажаришга бел боғладик.

Бектемир СОИБНАЗАРОВ.
Жиззах районидаги Ленин номли совхоз директори

Тўғрисини айтганда, олдинги йиллар хўжалигимиз район пахта топшириш пойгасида доим кейинда юрарди. Бу йил эса у энг юқори ўринда турибди. Бир неча бор кўчма Қизил байроқ, мукофотлар олдик.

Ҳозир пахтакорларимизнинг кайфияти ҳар қачонгидан яхши. Яхши кайфият эса меҳнатга барака киритяпти.

Хўш, ютуқларингизнинг боиси нимада? — деб сўрарсиз. Хўжаликнинг деҳқончилик структурасида айтарли ўзгариш бўлгани йўқ. Фақат ишнинг сифатига эътиборни кучайтирдик, холос. Экин майдонлари икки ярусли плуглар билан шудгорланди, картограмма асосида аммофос ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. Алмашлаб экиш кенг жорий этилди. Қишда яхоб сувига мириққан далаларда ғўза зараркунандалари кам бўлди. 1500 гектар ердаги ғўзанинг ҳаммаси етти марта ишлов олди. Пландаги 3 минг ўрнига 5 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга сўз берилди. Бу совхоз бўйича 40 центнердан ҳосил етиштирилади, деган гап эди.

Дефолиация бир оз кеч бўлса-да сифатли ўтказилди. Теримга яхши ҳозирлик кўрдик, мавжуд 37 терим машинаси тўла унум билан ишлади. Дастлаб 1,5 минг тонналик уруғлик ҳосилни териб олдик. Бу соҳадаги план областда биринчи бўлиб бажарилди. 500 гектар ернинг ҳар гектаридан биринчи теримдаёқ 30—35 центнердан уруғлик ҳосил олинди.

Терим суръати ошган кезлари хўжалигимизда барча бирдек оёққа турди. Ҳиммат камарини боғлаган нуроний отахон ва онахонлар ҳам далага чиқди. Ишнинг юксак уюшқоқлигини таъминлаган Ҳамза Эшбеков, Шокир Сафаров, Каримқул Ҳакимов бошлиқ бригадаларда 37—40 центнерлик ҳосил қисқа муддатларда териб олинди. Зиммага олинган мажбуриятлар ҳам биринчилар қаторида бажарилди. Эндиликда улар 50 центнерлик марра учун курашни давом эттирмоқдалар.

Ҳар бири 1,5—2 минг тонналик хирмон уйиб, планни октябрнинг биринчи ўн кунлигидаёқ ортда қолдирган Абдулла Эшбоев, Қилич Бобомуродов ўртоқлар бошлиқ бўлимларда терим ҳамон авжида. Мусурмон Эргашев, Турғун Шукуров, Ўрол Холмонов, Қозоқ Сафаров, Олланазар Умрзоқов сингари механизаторлар ҳар куни 10—12 тоннадан дурдона теришмоқда.

Хуллас, Мурожаатда айтилганидек, «Бугунги кунда бизнинг битта энг асосий **вазифамиз. Мамлакат олдида битта масъулиятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир!».**

Сирдарё районидаги «Сирдарё» совхозида пахта йиғим-терими юксак суръатларда олиб бориляпти. 7,5 минг тонналик хирмон учун курашаётган совхозда машина теримига катта эътибор бериляпти.

Суратда: пешқадам механизаторлардан Шавкатой Раҳматуллаева, Ҳайринисо Абдуллаева ва Урмус Соякулова. Уларнинг ҳар бири мавсумда 150 тоннадан «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишган.

Ж. Тўраев фотоси.

Самарқанд

ЮКСАК ДОВОН ЧОРЛАЙДИ

РЕПОРТАЖ

Уфқларга туташиб кетган кенг пахтазор. Гўё табиат осмондаги ўркач-ўркач парқут булутларни пайкалларга сочиб юборгандек ҳаммаёқ оппоқ. Чаманзорга айланган далаларда машиналар гуриллаб ишламоқда. Икки мингдан ортиқ киши пахта тераётир. Мусобақада пешқадамлик қилаётган чеварларнинг ҳар бири хўжалик хирмонига ўртача 100 килограммдан ошириб дурдона тўкмоқда.

Дарҳақиқат, Каттақўрғон районидаги Тельман номли колхозда кўпмингкилограммчилар ҳаракати тобора кенг қулоч ёйдирилмоқда. Қўриқ ерда биринчи йили чигит экан Умар Норов бригадасида терим айниқса қизғин. Тўхтамиш Номозова, Мизайлаб Сафарова каби илғорлар кунлик ўртача кўрсаткични 130—140 килограммгача етказишяпти. Бригада заршунослари дастлабки йили гектаридан 60 центнердан дурдона етиштиришга аҳд қилишган. Шунинси қувончлики, чўлқуварлар колхозда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажаришди. Ҳар гектар қўриқ ердан 25 центнердан ҳосил олинди.

— Хўжалигимизда 60 центнерчи бригадалар сафи йил сайин кенгаймоқда, — дейди колхоз правлениесининг раиси Отақул Ҳусенов, — Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 29 пахтачилик бригадасидан 9 таси ҳар гектаридан ўртача 60 центнердан ҳосил олишга интилмоқда. Улардан кўпчилиги йиллик планларини уддалаб, юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта теришмоқда.

Мўл ҳосил етиштиришда ўзига хос тажриба тўплаган хўжалик деҳқонлари кунига ўртача суръатни 3,6—4 процентдан камайтирмаётирлар. Бу йил улар кўзлаган довон беҳад юксак. 1980 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 45 центнердан «оқ олтин» ундирилиб, ялпи ҳосилдорлик 9000 тоннага етказилади. Бу маррани забт этиш осон эмас, албатта.

Ҳозир хўжаликларда кунлик суръат салкам 4 процентдан ошаётган экан, бу шубҳасиз машиналар шарофати, уларни моҳирона бошқараётган механик-ҳайдовчиларнинг зарбдор меҳнати натижасидир.

Суворийлар ўртасида уюштирилган социалистик мусобақада Раим Дўлтаев ҳаммага ўрнак бўлаётир. Бу йилги масъулиятли мавсумда у ўз агрегати билан 300 тонна «оқ олтин» теришга бел боғлаган. Айни пайтда ҳар куни «пўлат этак»дан 12—15 тоннадан дурдона тўкмоқда. Хўжаликда Раим Дўлтаев издошлари Пўлат Эшонкулов, Файзулла Асоев, Парда Асаров ва бошқалар мавсумда 250—300 тоннадан пахта териш учун фидокорона меҳнат қилишяпти.

Тажрибали механизаторлар пахтани тез ва тоза териш, машиналар унумдорлигини муттасил ошириш учун бутун чораларни кўришяпти. Улар ўртасида социалистик мусобақа ҳар беш кунда мунтазам якунланиб борилади. Илғорлар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Йиғим-теримда қатнашаётганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. Дала шийпонлари кўнгилдагидек жиҳозланиб деҳқоннинг иккинчи уйига айлантирилган. Газета ва журналларнинг янги сонлари доимий равишда келтирилади, радио, телевизор ишлаб турибди. Далада савдо, иссиқ овқат ташкил этилган. Шунингдек, пахтакорлар агитбригада, кўчма кутубхона, медицина ва савдо ходимлари хизматидан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкент

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Республикамизда пахта йиғим-терими авж олмоқда. Ҳамма пахтакорларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун тегишли шароит яратишга ҳаракат қилмоқда. «Совет Ўзбекистони» мухбири пойтахтимиздаги айрим ташкилот раҳбарлари билан суҳбатлашиб, улардан пахтакорларга қандай хизмат кўрсатаётганликлари тўғрисида сўзлаб беришларини сўради.

Б. ТОШБЕКОВ — Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири:

— Шу кунларда медицина хизмати ходимлари ҳам пахтакорларга бевосита далада хизмат кўрсатмоқдалар. Коммунистик, Бекобод, Чиноз, Ўрта Чирчиқ районлари колхоз ва совхозларининг дала шийпонларидаги кўчма медпунктлар, дорихоналар, амбулаториялар мунтазам ишлаб турибди. Коммунистик районининг «Политотдел», «Правда» колхозларида ҳар чоршанба куни медицина ўқуви белгиланган.

Чиноз районидаги Карл Маркс, Энгельс номли, «Ўзбекистон 30 йиллиги», Бекобод районидаги Ленин номли, «Победа», Пискент районидаги Гулистон, Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли, Охунбобоев номли колхозларда ҳам пахтакорларга медицина ёрдами кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

С. ИСАЕВ — Тошкент шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи:

— Шу кунларда пахтакорларга маиший хизмат кўрсатиш энг муҳим вазифалардан бири. Уларнинг самарали меҳнат қилишлари бизларнинг қандай хизмат кўрсатаётганимизга боғлиқ.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ходимлари бу йил Жиззах ва Сирдарё областлари колхоз, совхозлари меҳнаткашлари хизматида. Бошқармада ташкил этилган 5 та сайёр бригада телевизор, радио созловчи усталар, пойабзалчилар, сартарошлар ва бошқа касбдаги мутахассислар бор.

БУГУН — ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МАЪМУРЧИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Эл-юрт дастурхонини файзли, маъмур қилишга, ноз-неъматлар билан тўлдиришга ва бу ишнинг расамадини олишга бел боғлаган республикамиз озиқ-овқат саноати ходимлари бу гал ҳам ўзларининг анъанавий байрамларига, Улуғ Октябрнинг шонли 64 йиллик юбилейига ажойиб меҳнат совғалари билан келишди.

Республикамиз озиқ-овқат саноати ходимлари байрамни СССРнинг 60 йиллиги юбилейига қизғин тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда нишонламоқдалар. Ҳозир тармоқда 300 та механизациялашган поток ва 50 дан ортиқ автоматлашган линиялар, 44 та комплекс механизациялашган участкалар, 120 та комплекс цехлар ва бир ярим мингдан зиёд юклаш-тушириш машина-механизмлари муваффақиятли ишлаб турибди.

Ўнинчи беш йилликда Гулистон ва Урганчда ёғ-экстракция заводлари, Нукус, Жиззах, Бухоро нон комбинатлари, Самарқанд областининг Ургут шаҳарчасида тамаки ферментлаш фабрикаси, Тошкент, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида минерал сув қуйиш заводлари сингари қатор корхоналар ишга туширилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш плани 121.9, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 108 процент адо этилди.

Корхоналаримиз коллективлари шу йилнинг 9 ойлик планларини ҳам барвақт бажаришга эришдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планлари ошириб адо этилди. Улгуржи нархда 26,1 миллион сўмлик пландан ташқари кенг истеъмол моллари тайёрланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 процент, меҳнат унумдорлиги 5 процент ошди. Бу, маҳсулот тайёрлашда пландаги 63 процент ўрнига 80 процент ўсишни таъминлади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йўлида социалистик мусобақани кенг авж олдирган қатор корхоналар ҳозироқ йиллик топшириқларни асосий кўрсаткичлар бўйича барвақт уддалашга эришмоқдалар. Улар орасида «Самаркандтабакфермпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қўқон ёғ-мой комбинати, Олмалиқ нон заводи, «Ҳурмат Белгиси» орденли Қўқон нон корхонаси сингари қатор меҳнат коллективлари бор.

Ўнлаб бригадаларимиз, юзлаб ишлаб чиқариш илғорларимиз Улуғ Октябрнинг шонли 64 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини аллақачон адо этиб, ҳозирги кунда беш йилликнинг навбатдаги йиллари ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги республикамизнинг ўн беш донгдор ишчиси ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик ва ундан ҳам кўпроқ шахсий топшириқларни уддалашга сўз беришган. Чунончи, «Ташкентхлеб» бирлашмасидан Мақсуда Алиева, Шамсия Тагирова, «Ўртоқ» кондитер фабрикасидан Муҳайё Шодиматова, Наталья Шушпанникова, Дилбар Аҳмедова, Қўқон нон комбинатидан Мақсуд Усмонхўжаев, Мирзадовуд Каримов каби ўнлаб ноз-неъмат бунёдкорлари социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Бугунги кунда тармоғимиздаги 144 нафар ишлаб чиқариш илғори, етти бригада беш йиллик топшириқларини икки ярим йилда адо этиш иштиёқи билан меҳнат қилишяпти. 28 бригада ҳозироқ йиллик топшириқларини бажариб бўлиб, 1982 йил ҳисобига иш бошлади.

Республикамиз маъмурчилиги ижодкорлари олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Беш йиллик охиригача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати янада ошади. Жумладан, 1985 йилга бориб, ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилига нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 25—26 процент ортади. Капитал маблағларнинг 70 проценти ҳаракатдаги корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга йўналтирилади. Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг йиллик қувватини 30 минг тоннага етказиш йўлида катта реконструкция ишлари олиб борилади. Янгийўл кондитер ишлаб чиқариш бирлашмасининг қуввати етти минг тоннага ошади. Гулистонда йиллик қуввати 40 минг тонналик маргарин ва 3,8 тонналик майонез маҳсулотлари, Марғилонда 30 минг тонналик кондитер фабрикаси, яна бир қатор корхоналар бунёд этилади. Капитал маблағларни марказлаштириш ҳисобига 56.4 минг квадрат метр уй-жойлар ва икки минг ўринга мўлжалланган болалар муассасалари тикланади. Шу йилнинг ўзида Қарши нон заводи ишга туширилди. Косон ёғ-экстракция заводи ҳаракатга келиш арафасида турибди. Шунингдек, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш, техникавий такомиллаштириш ишлари мунтазам давом этади.

Тармоғимиз ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари эл-юртни мазали озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва уларни доимо хушнуд қилиш йўлида барча имкониятларни ишга соладилар. Фурсатдан фойдаланиб, тармоқнинг барча меҳнат коллективларини анъанавий байрам билан табриклаймиз ва уларнинг келгуси ишларида янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри.

МУНОСИБ ҲИССА

Тошкент область Калинин районидаги Орджоникидзе номли колхоз ўзининг 50 йиллик навқирон ёшини нишонлаш арафасида. Биринчи беш йилликнинг тўнғич фарзандларидан бири бўлган колхоз ўтган қисқа лекин машаққатли давр мобайнида юксалди, камолотга эришди. Омоч ва кетмон ўрнини қудратли техника эгаллади. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига янги техника ва прогрессив технологиянинг кенг жорий этилиши натижасида сабзавот экинлари ҳосилдорлиги биринчи беш йилликдагига нисбатан қарийб 20 маротаба ортди. Ҳозир хўжаликда ҳар бир гектар ердан 300 центнердан сабзавот, 700 центнердан помидор етиштирилаётир. Тажрибали деҳқонлар етакчилик қилаётган бригадаларда бу кўрсаткич ундан ҳам юқори бўляпти.

Дала экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига колхоз даромади йилдан-йилга ошаётир. Масалан, хўжалик шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 673 минг сўм соф даромад олди. Натижада меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ҳам тобора юксаляпти. Замонавий типда қурилган посёлка, кўркам равон кўчалар, уйлар, ҳаммом, маданият саройи, поликлиника, касалхона, маиший хизмат уйлари ҳаммаси хўжалик деҳқонларининг бахтли фаровон ҳаётидан дарак бериб турибди.

Колхоз юқори даражада механизациялашган илғор хўжаликлар қаторида партия XXVI съезди белгилаб берган озиқ-овқат программасини оғишмай амалга ошириш борасида катта ютуқларни қўлга киритаётган экан, шубҳасиз унинг юксалишида колхоз қурилиши ветеранларининг ҳиссаси каттадир. Хўжаликка турли даврларда катта ташкилотчи, тажрибали деҳқонлар раҳбарлик қилишган.

Аммо, колхозда мана шу тажрибали етакчиларнинг хотирасини абадийлаштиришга етарлича аҳамият берилмаётир. Истардикки, хўжаликнинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан колхоз қурилишининг , ветеранларига бағишлаб мемориал доска тайёрланса, музей ташкил этилиб, колхоз қурилиши ветеранлари, хўжалик тараққиётига муносиб ҳисса қўшган собиқ раҳбарлар ҳаёти, уларнинг фаолияти, иш тажрибаси ҳақидаги материаллар, ҳужжатлар, нодир фотосуратлар билан тўлдирилса. Ўйлаймизки, бу хайрли иш келажак авлодни меҳнатга, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Я. МОРДУХАЕВ.
Республикада хизмат кўрсатган юрист.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми прокуратура ва суд органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги, республикада социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Самарқанд шаҳар Темирйўл района халқ судининг раиси ўртоқ Ҳабиб Абдуллаевич Ёрмуҳамедовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Г. А. БАЛАЯНЦНИ «СУВДА ҒАРҚ БЎЛАЁТГАНЛАРНИ ҚУТҚАРГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сувда кишиларни қутқариш вақтида кўрсатган мардлиги, жасорати ва фидокорлиги учун Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўрток Георгий Амаякович Балаянц СССР Олий Совети Президиуми номидан «Сувда ғарқ бўлаётганларни қутқарганлик учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг
Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

1981 йил 16 октябрь
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ЛОЙИҲА ҚУВВАТЛАРИ ВАҚТИДА ЎЗЛАШТИРИЛСИН

Текшириш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Сабзавот-мева хўжалиги министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой» сут комплекслари лойиҳа қувватларини ўзлаштиришни тезлаштириш юзасидан зарур чораларини кўрмаётирлар. Сигирлар подасини тўлдириш муддатлари ҳаддан ташқари кечиктириб юборилмоқда. Моллар маҳсулдорлиги паст, кўплаб чиқимга йўл қўйилмоқда. Айрим комплексларда сут соғиб олиш ва давлатга етказиб бериш планлари бажарилмаётир, етарли озуқа жамғарилмаяпти, тайёрланган ем-хашакнинг сифати паст. Маҳсулот бирлигига озуқа сарфи кўп. Қўшиб ёзиш, ҳисоботларда кўрсаткичларни «тузатиш» фактлари содир бўлаётир. Сут ўрнига ёғ ва қаймоқ топшириш «тажрибаси» учраяпти.

Текшириш чоғида 150 комплексдан 130 тасида сигир 24 минг бош ёки лойиҳа қувватидагидан 29 процент кам бўлган. Сўнгги беш-ўн йил мобайнида ишга туширилган 64 комплексда моллар ҳануз белгиланганидан 22 процент кам. Сигирларнинг маҳсулдорлиги паст. Республикадаги 52 комплексда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут 2500 килограммдан кам. Шуларнинг 10 тасида бу кўрсаткич 2000 килограммга ҳам етмайди.

Бир қатор комплекслар сут топшириш планини муттасил бажармаётирлар. Шу йилнинг дастлабки олти ойида 36 комплекс давлат планини бажармади. Сигирлар сонини кўпайтириш учун амалий чоралар кўрилмаётир. Кўпгина сунъий қочириш пунктлари ёмон ишлаяпти, натижада сигирлар ва ғунажинларнинг анчагина қисми қисир қоляпти. «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли 4 комплексда шу йилнинг биринчи ярмида ҳар 100 сигир ҳисобига 21-34 бузоқ олинди ёки бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу муддатидагидан 2-18 бошданга камайиб кетишига йўл қўйилган. Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли уч комплексда ўтган йили ҳар 100 бош сигирдан 59-75 бош бузоқ олиш билан кифояланилди. Текшириш ўтказилган комплексларнинг аксариятида ем-хашакни ортиқча сарфлаш, исроф қилиш фактлари аниқланди. Кўпчилик хўжаликларда жамғарилган озуқа миқдори ҳақидаги маълумотларни ошириб кўрсатиш фактлари юз берган. Ўн хўжаликда тайёрланган сенаж миқдори 42 процент, уч комплексда силос миқдори 29 процент ошириб ёзилган.

Бир қатор хўжаликларда сутнинг кўпгина қисми паст сортларга топширилаётир. Қишлоқ хўжалик министрлигининг Жиззах областидаги етти комплекси дастлабки олти ойда 469 тонна яроқсиз сут топшириб, давлатга 12 минг сўм зарар келтирди. Андижон областидаги олти комплекс давлатга 35,6 тонна ёғ ва 8,4 тонна қаймоқ топширилган. Бузоқларга ичирилди, баҳонаси билан анчагина сут ишлаб чиқариш кўрсаткичига қўшиб ёзилмоқда.

Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»сининг жойлардаги ташкилотлари комплексларга техника хизмати кўрсатиш ҳақидаги шартномаларнинг бажарилишини таъминлай олмаётир, кўпинча эҳтиёт қисмлар, етказиб бериш билан кифояланмоқда. Текшириб чиқилган тўққиз комплекснинг биронтасида ҳам сутни совутиб-тозалайдиган аппаратлар ишламайди, хлорелла ускуналари, гўнгни чиқариш механизмлари, соғиш аппаратлари таққа-тақ тўхтаб ётибди. Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхозда 7 та соғиш агрегати ва 7 та гўнг ташиш транспортери ишламай турибди. «Госкомсельхозтехника»нинг район бирлашмаси уларнинг «ремонти» учун июль ойида хўжаликдан 2,5 минг сўм ундириб олган. Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си чорвачилик фермаларини механизациялаш ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи Самигуллин техника хизмати кўрсатиш юзасидан тузилган шартномаларнинг бажарилишини таъсирчан назорат қилмаётир, айрим раҳбар ходимларнинг ишдаги юзакичилиги ва расмиятчилиги фактлари билан келишувчилик қилмоқда.

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози, Андижон районидаги Энгельс номли совхозлардаги комплексларда лойиҳа қувватларини ўзлаштириш пайсалга солинмоқда, ишдаги хўжасизлик туфайли анчагина сигир сўйиб юбориляпти. Сут соғиб олиш ва тайёрлаш планлари ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Ҳисоботларда кўзбўямачилик ва давлатни алдаш фактлари юз беряпти. Ишда тартиб ўрнатилмагани, хўжасизлик авж олиб кетгани туфайли муттасил зиён кўриляпти.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик ва сабзавот-мева хўжалиги министрларининг ўринбосарлари Н. Гусаков ва О. Ниёзматов, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари Д. Ёдгоров, Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника»си раисининг ўринбосари М. Одилов ўртоқларга партия ва ҳукуматнинг чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан раҳбарлик ва назоратни бўшаштириб юборганликлари, сут комплексларида жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, сигирлар бош сонини суст кўпайтирилаётганлиги, давлат интизомини бузаётган хўжалик раҳбарларига талабчанлик бўшаштириб юборганлигини кўрсатди. Ишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилганликлари учун республика «Госкомсельхозтехника»си чорвачилик фермаларини механизациялаш ва қишлоқ хўжалигини электрлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи Р. Самигуллинга ҳайфсан, «Оққўрғон» совхозининг директори Т. Каримов ва Энгельс номли совхоз директори А. Паттаев ўртоқларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Айни пайтда давлатга етказилган зарарни қисман қоплаш мақсадида Т. Каримов билан А. Паттаев ўртоқларнинг ҳар бирига жарима солинди.

ҒАЛЛА ВА УНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАНГ

Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги ва унинг бўлинмаларида ўтказилган оммавий текшириш дон ва ундан тайёрланган маҳсулотларни тежаб-тергаб сарфлаш борасидаги ишлар партия ва ҳукумат қарорлари талаби даражасида эмаслигини кўрсатди. Донни қайта ишлаш технологиясини бузиш, сифати паст маҳсулотлар ишлаб чиқариш, дон маҳсулотларини сақлаш қоидаларига риоя қилмаслик фактлари оз эмас. Доннинг исроф бўлишига қарши чинакам кураш олиб борилмаётир.

Министрликнинг ун-крупа саноати бошқармаси бошлиғи А. Голишев донни қайта ишлаш корхоналари иши устидан назоратни бўшаштириб юборган, бир қатор корхоналарда ғаллани тозалаш, ювиш сингари технологик жараёнлар аксарият ҳолларда умуман бажарилмайди, маҳсулот сифати паст. Бундай фактларга комбинатларнинг лабораториялари мутлақо эътибор бермайди.

Ўн тўртта корхонада текширилган 2,7 минг тонна уннинг 44 проценти давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Ун йирик, серкепак тортилган. Жиззахдаги 8-комбинат Шовот районига 6,5 тонна ностандарт, яроқсиз ун жўнатган. Айрим комбинатларда ун ифлос, йиртиқ қопларга жойланаётир, уларга ҳам белгиланган миқдорда ун солинмайди.

Министрликнинг элеватор саноати бошқармаси бошлиғи М. Терлецкий қабул пунктларида донни ва тайёр маҳсулотни тўғри сақлашни таъминламаётир.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети оммавий текширишлар якунини қараб чиқиб, республика тайёрлов министри ўртоқ Қўйбоқаровнинг эътиборини тармоқ корхоналарида вужудга келган жиддий аҳволни тезда бартараф этишга, партия ва ҳукуматнинг дон маҳсулотларини тежаб-тергаб сарфлаш ҳақидаги кўрсатмаларини оғишмай бажариш лозимлигига қаратди. Министр ўринбосари Б. Жалиловга ишда назоратни бўшаштириб юборгани учун ҳайфсан берилди. Тегишли корхоналар фаолиятини етарли назорат қилмагани, технология жараёнлари бузилишига йўл қўйгани учун министрлик ун-крупа саноати бошқармасининг бошлиғи А. Голишевга ҳайфсан, элеватор саноати бошқармаси бошлиғи М. Терлецкийга қаттиқ ҳайфсан берилди. Жойларда оммавий текшириш материаллари область, шаҳар, район халқ контроли комитетлари томонидан муҳокама қилиниб, айбдор шахслар жазоланди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Адабиёт саҳифаси

ПАХТАКОР ЖАСОРАТИГА ТАЪЗИМ!

● «ОҚ ОЛТИН» МАВСУМИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛАСИ, ЙИЛЛАР ВА УН ЙИЛЛАР ТАЖРИБАСИ БИЛАН СИНАЛГАН ХАЛҚ ДОНИШМАНДЛИГИНИНГ: «ОБ-ҲАВО ОБ-ҲАВОЛИГИНИ ҚИЛАДИ, ИШ ЭСА УЗ ЙУЛИГА» ДЕГАН НАҚЛИГА ТУЛА АМАЛ ҚИЛАДИГАН ПАЙТ БОШЛАНМОҚДА. БУГУНГИ КУНДА БАРЧАНИНГ ВА ҲАР БИР КИШИНИНГ АҲИЛЛИК БИЛАН ҚИЛГАН ЗАРБДОР МЕҲНАТИГИНА ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ, МУЛ ҲОСИЛНИ ЕҒИН-СОЧИН БОШЛАНГУНГА ҚАДАР ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

Талпинамиз манзиллар сари

Олис денгизданми ё йироқ тоғдан,
Булутлар келдилар билмам қай ёқдан,
У баҳор, ёз бўйи сўл ила соғдан,
Пахтакор халқимга даф қила қолди.

Ҳа, яшар табиат гулдурос солиб,
Дарёга сув сочар ташна ер қолиб,
Гарчи пахтакор эл ҳамиша ғолиб,
Лекин ушбу сафар тинчи йўқолди.

— Ойнинг у ярмида ёмғир, қор ёғар. —
Қимтиниб Тойлоқов беради хабар,
Мухбир-чи уқдирар: — бизники зафар,
Довда Бободеҳқон ҳаққини олди!..

Пахта деб, ҳа, қачон тортмадик ташвиш,
Ўша-ўша ёз бу, ўша-ўша қиш,
Боболардан мерос — битмаган бу иш,
Ўзбекнинг қай маҳал билаги толди.

Яна заҳмат чекар элда ёш-қари,
Яна талпинамиз манзиллар сари,
Доколар дунёни демиш кўпкари.
Боқинг, Ўзбекистон дадил от солди!

Уйчи районидаги 139-ҳунар-техника билим юртининг талабалари Калинин номли совхоз хирмонига барака киритишяпти. Суратда: кунига 130-140 килограммдан пахта териб, ибрат кўрсатаётган чевар теримчи Ж. Йўлдошева.

А. ЮСУФБЕКОВ фотоси.

СИЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг коллективи ҳар йилгидек бу йил ҳам пахта далаларида, «оқ олтин»дан хирмон бунёд этаётган замондошларимиз даврасида алоҳида активлик ва жўшқинлик билан концертлар бериб, маданий хизмат кўрсатаётир. Биз пахта йиғим-теримига анча бервақт тараддуд кўрдик. Шу боис санъаткорларимизнинг репертуарларида янги-янги қўшиқлар, куйлар ва рақслар пайдо бўлди. Бу янги асарлар биринчи навбатда коммунистик меҳнатни, республикамизнинг миллий ифтихори бўлмиш пахтани, уни миллионлаб тонналаб яратаётган фидойи замондошларимизни, уларнинг соф севги-муҳаббатини, интилишларини, орзу-умидларини мадҳ этади.

Йиғим-теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб иккита концерт бригадаси тузган эдик. Бу бригадалар ҳозирги кунда Тошкент областининг Бекобод районида пахтакорларга хизмат қилишаётир. Биринчи бригада составида Қувондиқ Искандаров, Холисхон Қодирова, Роза Каримова каби таниқли хонандалар, Нодира Аҳмедова, Гулжаҳон Сатторова сингари ёш, умидли ижрочилар бор. Иккинчи бригада ҳам пахтакорларга муносиб программа тайёрлади. Таниқли хонанда Юнус Тўраев раҳбарлигидаги «Ёр-ёр» вокаль чолғу ансамбли қатнашчилари ҳам далада.

«Шодлик» ансамбли Наманган, Самарқанд, «Гўзал» ансамбли эса Сурхондарё областларига ижодий сафар қилиш учун тараддуд кўрмоқда. Бу коллективларимиз репертуарларида ҳам янги қўшиқ, куй ва рақслар бор. Санъаткорлар далада қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилаётган замондошларимизга муносиб маданий хизмат кўрсатишни ўзлари учун энг эзгу мақсад деб билишган. Биз ишлаб чиққан графикка асосан ансамбллар аллақачон план ва мажбуриятларини бажариб қўйган бригадаларда, колхоз ва совхозларда бўлишиб, «Ғалаба мадҳи»ни куйлайдилар. «Талабларингизга мувофиқ» деган концерт номерларини намойиш этадилар.

Ўзбекистон Давлат филармониясининг санъаткорлари, бутун коллективи 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун мардонавор меҳнат қилаётган пахтакорларимизга муносиб маданий хизмат кўрсатишни ўзлари учун энг эзгу, энг шарафли вазифа деб биладилар.

О. РАСУЛОВ,
М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясининг директори.

СЕН ТЕРИМДА ҚАТНАШМОҒИНГ ШАРТ

Ёнмоқ, жўшмоқ, қайнамоқ учун
Шартмас бўлиш полвон ё жўмард.
Олтин диёр ўтаркан бурчин,
Сен теримда қатнашмоғинг шарт!
Десалар-да давлатнинг боши,
Пахта асли муҳаббат ва дард.
Бутун элнинг чимрилган қоши,
Сен теримда қатнашмоғинг шарт!
Юзим ерга қарамасин ҳеч,
Бўлай десанг мусаффо, бегард,
Деҳқон каби ҳаловатдан кеч,
Сен теримда қатнашмоғинг шарт!
Шоширар вақт ва йиғинчоқ куз,
Парқу булут ёшлерини арт,
Далаларда сонсиз оқ юлдуз,
Сен теримда қатнашмоғинг шарт!
Ёнмоқ, жўшмоқ, қайнамоқ учун
Шартмас бўлиш полвон ё жўмард.
Ўртоқжоним, мунис ўқувчим,
Сен теримда қатнашмоғинг шарт!

Султон АКБАРИЙ.

ХОНАНДАЛАР — ПАХТАКОРЛАРГА

ТИНГЛАБ, ДАМ ОЛИНГ

Биз ҳар йили пахта йиғим-терими мавсумида дала меҳнаткашлари учун энг яхши халқ қўшиқлари ва куйлари ёзилган грампластинкаларни чиқарамиз. Ана шу грампластинкаларда халқ томонидан севиб тингланадиган, аниқроғи, партия ва ҳукуматимиз қарорларини улуғлайдиган, меҳрибон она-Ватанимизни, қаҳрамон халқимизни шарафлайдиган, соф севги-муҳаббатни тараннум этган тароналар ёзилган бўлади. Маълумки, ўзбек халқ музикасининг нодир намуналари ҳаммавақт халқ эҳтиёжида, эътиборида ва қизиқишидадир. Шунинг учун ҳам бундан бир неча йил бурун санъат мухлисларига ҳавола этилган грампластинкалар бизнинг буюртмамиз билан заводда яна қайта ишлаб чиқарилди. Ана шу маҳсулотлар орасида Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Назира Аҳмедова, Муроджон Аҳмедов каби моҳир ижрочиларнинг машҳур қўшиқлари бор. Бу асарларнинг аксариятини санъат мухлисларига ҳавола қилдик.

Яқинда чиқарилган грампластинкаларимизда Камолиддин Раҳимов, Ҳабиба Охунова, Ғуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳамроқулов, Толибжон Тўраевларнинг энг яхши репертуарлари жамланган. Бу қўшиқларнинг кўпи пахтани, далада мардонавор тер тўкиб, «оқ олтин» хирмонларини бунёд этаётган пахтакор меҳнатини, фидойилигини, унинг пахтасидай оппоқ орзу-умидларини мадҳ этади. Шуниси қувончлики, севимли хонандаларимизнинг тароналари пахта ва пахтакор шаънига ўзига хос гимн бўлиб таралади. Ж. Набиевнинг пахтакорларни шарафлайдиган, дала меҳнаткашларининг жасоратини тараннум этадиган янги қўшиқларини ҳам яқин орада санъат мухлисларига ҳавола этмоқчимиз.

Эрта-индин янги грампластинкалар оламиз. Буюртмамиз бўйича уларда меҳнатни, пахта ва пахтакорни мадҳ этувчи янги қўшиқлар бўлади.

М. ФОЗИЛХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон грампластинкалар уйининг директори.

АРАФА ҲАЯЖОНЛАРИ

БУ ЙИЛ оғир келди. Кўклам тугул ёз ҳам инжиқлик қилди. Ҳар соат, ҳар сония ғанимат бўлди. Ниҳоят, муттасил меҳнат эвазига етиштирилган туман-туман тилло кўзалар ўзини кўз-кўз қилиб турибди.

«Оқ олтин» хирмонларига:
Тоғдек елкасига
«оқ олтин» ортиб,
Пўлат суворийлар
жиловин тортиб,
Ер-у кўкни оппоқ
тонгдай оқартиб,
Карвон келаётир!

Не умид, не орзулар билан бут кўчатдан дуркун ғўза, дуркун ғўзадан мўл ҳосил, мўл ҳосилдан залварли хирмонлар яратган бобо деҳқонга, ўзбек пахтакорига ҳадемай бор ҳосилини йиғиштириб олиб, она юрт олдида оқ юзли, обрўли бўлишдек бахт насиб қилай, деб турибди. Шу кунларда пахтазорларда интилиш шунга яраша, сафарбарлик шунга яраша Далаларда меҳнат авжида.

Бу йилги кузнинг келиши ҳам, унинг шарпа-шамоллари ҳам ёш-у кексани бир жонбир тан бўлиб пахта теришга даъват этмоқда. Ҳар дамнинг, ҳар дақиқанинг ғанимат эканлигини эслатмоқда. Шундай бўлсе керак: ногаҳон кўкка бир парча булут чиққудай бўлса кишининг юрагига ғулғула тушади.

Тўкис оққан дарё теран бўлганидай Сирдарё воҳасининг азамат пахтакорлари ҳам ҳосилни йиғиштириб олиш борасида жумбушга кирди. Оммавий терим ҳар бир хўжаликда қизғин тус олган.

РУЦКИЙ НОМЛИ совхознинг сўзи билан иши бир деҳқонлари ҳам ҳамюртларидан кейинда қолмаётир. Бу совхознинг тилга тушиб, юксалиши партия ва жамоат арбоби Усмон Юсуповнинг номи билан боғлиқ. Ота бу ерга келиши билан қолоқ хўжалик сатҳига, самосига қут энгандай, файз-барака киргандай бўлди. Аслида ҳам шундай эди. Ҳашар йўли билан тупроқ йўллар тош йўлга айлантирилди. Кўримсиз қишлоқлар ўрнида кўркам посёлкалар қад кўтарди.

Ота чинакам пахтакорлигини шу хўжалик тимсолида ҳам кўрсата билди. Катта қалбини хўжаликни обод ва фаровон қилишга бағишлади. Натижада элга эл қўшила бошлади. Чигит тор қаторлаб эмас, кенг қаторлаб экилди. Бу тадбир Боёвут ерларига мос эди. Йил сайин ҳосилдорлик ошди. Боғлар барпо қилинди. Ризамат ота сингари довруғи жаҳонга кетган соҳибкорларнинг қадами бу совхозга ҳам етиб келди. Шундай қилиб, яқиндагина тишидан тирноғигача қарзга ботиб ётган хўжалик боғли, кўрсаткичи юксак хўжаликка айланди.

Ота муносиб кадрларни вояга етказди. Суяр Оролов, Тошбой Шоимов, Ўрол Пардаев, Виктор Хайдуров... Бу кишилар — отанинг муносиб издошларидир.

Ўша йиллардаги совхоз ерлари билан ҳозирги пахта майдонлари, ўша йиллардаги ҳосилдорлик билан ҳозирги кундаги даромад манбаъларининг фарқи катта. Совхоз ишчиларининг ўша йиллардаги оилавий аҳволи билан ҳозирги кундаги турмуш тафовутлари орасидаги фарқ ҳам ер билан осмонча.

Ўша йиллар бу ерга Фориш районининг Қорабдал дарасидан икки юз, Бахмал районининг Ғоғайтўпи, Алдашмон қишлоқларидан икки юз, қардош Тожикистондан юз йигирма, Қўқондан юз олтмиш оила кўчиб келди. Буларнинг бири чорвадор бўлса, бири ғаллакор, бири боғбон бўлса, бири ҳунарманд. Пахтакорлик буларнинг ҳаммаси учун янги касб, янги кор. Келиб-у «кетамиз»га тушиб қолганлари ҳам кўп бўлди. Ёши салкам саксонни қоралаб қолган Малла бобо Ҳожимуродов бу ҳақда шуларни ҳикоя қилади:

— Бу чўлга Хизр назар солган. Сабаби — таёқ билан келгандик, тойлик бўлдик. Биримиз икки, иккимиз ўн бўлди. Сўққа бош келган одам оилалик бўлди. Оиласи билан келганлар овул бўлди. Йўқсил одамнинг ўзи йўқ. Ҳозирги оддий бир деҳқоннинг кўрганини, ҳузур-ҳаловатини қадимги «мана, мен» деган бойлар ҳам, бойваччалар ҳам кўролмаган. Буни биз ўз кўзимиз билан кўрдик. Кўча-кўйда ким олим, ким муаллим, ким ишчи, ким хизматчи — ажратолмайсан кишини. Қиз-келинларимиз тўй тугул далага бенорас, барқут кийиб чиқишади. Буларнинг ҳаммаси пахтадан. Пахтанинг шарофатидан.

Тўғриси, бошда Бахмалдай ердан бу ерга келиб бирдан қафасга тушган қушдай бўлиб қолгандик. Бу ерда қолишимизга Усмон ота сабабчи бўлди. Гапини икки қилолмадик. Юзидан ўтолмадик. Мана энди бу ерларга ўрганиб ҳам қолдик. Бу ер — болаларимизнинг киндик қони томган ота юрти бўлиб қолди. Совхозимизда Усмон Юсупов музейи ташкил қилинди. Бу — совхоз аҳлининг отага бўлган меҳр-муҳаббати, ихлосидан.

Дарвоқе, Малла бобо айтганидек, пахта халқимизнинг олтинга ҳам тенгсиз қимматбаҳо бойлиги!

ТЕРИМНИНГ АЙНИ авжига чиққан шу кунларида совхоз директори Мамат Қўшбоқов шундай деди:

— Бу йилги мажбуриятимиз саккиз ярим минг тонна. Бу — сўзсиз бажарилади. Етиштирган ҳосилимиз шунга яраша. Кўзларимизнинг нури, қорачиғи мисоли ҳосилимизнинг бир тола, бир чигитини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган ҳаракатларимиз шунга яраша. Саксонга яқин «зангори кема»ларимизнинг «оқ олтин» денгизида шердай наъра тортиб, шиддат билан ишлаши шунга яраша. Бир минг тўрт юзга яқин киши қўл теримида. Киши бошига терилган пахта 70 килограммни ташкил этмоқда.

Совхознинг 200 гектар ерига пахтанинг янги «Оқ олтин» уруғлик нави экилган. Қолган бир минг тўрт юз тўқсон саккиз гектар ерига эса «Фарҳод» нави. Ўз номига яраша бу нав серҳосил. Касалликларга чидамли. Эрта пишар. Бу навни яратган одамлардан совхоз пахтакорлари миннаддор. Бу хусусда совхознинг илғор бригада бошлиқларидан бири Саъди Очилов:

— «Фарҳод» навини кашф этган олимларга бир деҳқон сифатида таъзим қилгим келади, — деди — Ҳосилимиз ҳар йили қирқ центнерни кўралар эди. Бу йилги мажбуриятимиз гектар бошига 50 центнердан. Шунга яраша сўз берганмиз. Сўзимизнинг устидан, албатта, чиқамиз.

Совхознинг бош иқтисодчиси Муҳиддин Бобоев бу йилги кирим қанча бўлади-ю, чиқим қанча бўлади — ана шу билан банд.

„ОҚ ОЛТИН» ҳақида тўлиб-тошиб гапириш осон. Ёзиш осон. Бироқ унинг меҳнатини, ташвишини, мурғак ғўзаларда «оқ олтин» бино бўлиши, унинг охирги бир чигитигача йиғиштириб олинишини кўз олдига келтирган киши деҳқон учун уч юз олтмиш олти куннинг камлик қилишига амин бўлади. Деҳқоннинг узлуксиз бу меҳнатини ҳеч бир нарсага қиёслай олмаслигига амин бўлади. Олтин қўллар олдида, пахтакорнинг ойдин йўллари олдида таъзим қилади.

Шу қора тупроқ, шу ҳоки пок ердан,
Йил бўйи тўкилган пешона терда.
Истаса бой дала, саҳро-ю қирдан,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Буюк, кабирлигин қилмай таъналар,
Толалардан уюб туман тонналар,
Вақтида йўлбарсдай тортиб наъралар,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Соқликда қолишмай олқордан, қурдан,
Сахийликда уммон, Амудан, Сирдан,
Мўъжиза яратиб, яралиб нурдан,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Унвон таъма қилмай, шаън таъма қилмай,
Тинчиб, тинмаслигин ҳам шама қилмай,
Ҳиммат, ҳамиятга тенги топилмай,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Эл-юрт ифтихори — унинг бойлиги,
Ўз ишига мудом шердай шайлиги,
Таърифга сиғмасдан ҳотамтойлиги,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Айшни нодон суриб... бу — эскирган гап,
Дурни дур этолган аслида садаф.
Сийналари бўлиб бўронларга даъф
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Меҳри — ёз. Қаҳри-чи — қаҳратон қишдай,
Парвози ҳам қирғий, қарчиғай қушдай,
Кўнглининг оқлиги бўлиб кумушдай,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Юзларга суртгулик — босган изларин,
Ишда издошлари — ўғил-қизлари.
Бедор ўтиб доим баҳор, кузлари,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Довонлар забт этиб, довонлар ошиб,
Шаъни, шавкатига қўшиқ ярашиб,
Уйган хирмонлари кўкка туташиб,
«Оқ олтин» яратар деҳқон қўллари.

Тўра СУЛАЙМОН,
Эминжон УСМОНОВ,
Машраб БОБОЕВ.

ҚАТРАЛАР

ДОРИЛФУНУН

Пахта исига чулғанган тонг оқармоқда. Осмон тунд. Совуқ эпкин эсяпти. Дала кезиб юрибмиз. Раиснинг икки кўзи теримчиларда.

— Саҳардан шомгача тинмайди булар, — деди бир пайт уйчан оҳангда у, — на шанба, на бозорни билишади... Ўзи, пахта иши оғир-да, ука. Ҳар лаҳзани қадрламасак, ёғин-сочинга қолиб кетамиз.

— Тўғрику-я, — дедим ўйланиб, — аммо ишдан бошқа нарсага ҳам улгуриш керакда. Акс ҳолда деҳқоннинг маънавий тақдири нима бўлади. Ўз вақтида Виктор Гюго: «Халқнинг улуғлиги сони билан эмас, унинг маънавий камоли билан ўлчанади», деб айтган. Ҳар соҳада сифат учун курашамиз. Бироқ, сифатли киши учун-чи?.. Калининдай одам: «Социалистик жамиятнинг муносиб аъзоси бўлмоқ учун жуда кўп ўқиш ҳам билиш керак», деб уқдирган. Бунинг учун вақт керак, ака.

— Қунт бўлса, вақт топилади, ука, — деди қовоғини уйиб раис, — масалан, мен ҳар ойда камида бир китоб ўқиб чиқаман. Илгари «вақт йўқ» деб нолиб юрардим. Бир куни мени раҳматлик Қодиров (обкомнинг собиқ биринчи секретари) қаттиқ мулзам этди... Шу-шу ҳаётимда ўзгариш юз берди...

У қайтаётган турналарга тикилиб, ўйланиб қолди. Юзига мезон келиб тортилди. Мен унинг хаёлини бўлишга ботинмадим.

У кун бўйи пахта ташвиши билан куйиб-пишди. Ёнидан жилмадим. Фақат шомдагина у (менинг қистовим билан) чала қолган гапини давом эттирди:

— Ўшанда тут пишган кезлар эди, ука. Энди тушликка ўтирган эдик. Тўйқусдан уйимизга Қодиров келди. Кўзимизга ишонмай, шошиб қолдик. У рухсат сўраб ҳамма хоналаримизни кўздан кечириб чиқди. Сўнг: «Уйингиз жаннатга ўхшайди, тақсир, — деди мени бир четга имлаб чақириб, — фақат, афсус, унда энг асосий нарса — шахсий кутубхона етишмайди. Минг йиллар бурун Цицерон деган аллома: «Китобсиз уй — жонсиз танадай гап», деб айтган. Раис бўла туриб, Сиз китоб ўқимасангиз, ким китоб ўқийди? Ким деҳқонга ибрат бўлади?... Ўзбек одатига зид келса ҳам, чойни кейинги галга қолдирамиз. Хайр!».

Мен раис билан кеч хайрлашдим. Ташқарига чиққанимда, борлиқ зим-зиё тун қўйнида мудраб ётарди...

НОМ

Соқол-мўйлови оқ, чеҳраси очиқ, жиккак чол йўл четига тўкилган пахталарни аста секин териб келяпти. Ҳамроҳим — латиш шоири, турк тили мутахассиси Улдис Берзиньш билан унинг олдига бордик.

— Бундан пахта унадими, ота? — деб сўради саломаликдан сўнг Улдис.

— Ҳарна-да, ўғлим — деди чол унинг баҳайбат гавдасига ярашиб тушган қора-кўкиш соқолига қизиқиб қараб, — увол бўлмасин, дейманда.

Берзиньш унга кўмаклаша бошлади. Чолнинг меҳри ийди. У: «Баракалла, ўғлим, баракалла!» дея Улдиснинг елкасига қоқди. Кейин:

— Ўзбек ерда нон ушоғини кўрса, уни олиб, кўзига суртади, — деди, — ўзбек тупроққа қоришиб ётган пахтани ҳам шундай эъзозлаб, қўлга олади. Бундан, ўғлим, ўзбек учун пахта билан нон бирдек азиз, деган гап келиб чиқади.

Кўп ўтмай Улдис бели оғриётганини айтди ва сувсиз ариқ бўйидаги тўнкага бориб ўтирди. Чол мийиғида кулди. Улдис:

— Ўзбекнинг нони ҳалол экан, — деди, — мен дунёда бундан ҳам оғир меҳнат борлигига ишонмайман.

— Шунга бўйимиз ўсмай қоляпти-да, чироғим, — чол ўзининг бўй-бастига ишора этиб аския қилди. Сўнг Улдиснинг қайси юртдан эканини сўради. Мен уни чолга таништирдим.

— О, яша, ўғлим, яша, — деди у севиниб, — шоирнинг номи ўчмайди.

— Менимча, ота, қайси соҳада бўлса ҳам, эл-юртига ҳалол хизмат этган инсон унутилмайди.

— Тўғри, ўғлим... Вилоятимизда Қодиров деган бир одам бор эди. Раҳматли яхши одам эди... — Чолнинг нурсиз кўзига ёш қалқиди, — унинг бир гапи сира эсимдан чиқмайди. У хўжалигимизга келганда бир киши ҳақида суриштирди. Ҳеч ким ундан бирор ёдгорлик қолганини эслолмади. «Ана, кўрдингизми, — деди Қодиров, — агар одам ўттиз йил колхозга раис бўлса ҳам, ер очмаса, боғ ё қурилиш қилмаса, эл уни унутиб юборади...»

Чол тағин тўкилган пахталарни теришда давом этди.

Мамадали МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

АЗИЗ КИШИЛАР

Ҳаётга боқсам тик, қалбим эшилар,
Табиат нақадар чексиз-у азим.
Далалар фарзанди, азиз кишилар —
Энг аввал Сизларга қилурман таъзим!

Мовий уфқларга қадайман кўзим,
Мовий уфқларда жимирлайди нур.
Шу чоқ юрагимда портлайди сўзим:
Ҳаётда борлигим учун ташаккур!

Бирдан хаёлимда айланар олам,
Унинг на боши бор, охири ҳам йўқ.

Кўксида томчидир одамзод, одам,
Бу олам аслида мангулик қўшиқ.

Шу мангу қўшиқни куйлар инсонлар,
Оламлар ичида олам яратиб.
Яратар, гуллатар, қолмас армонлар,
Яшар коинотни Ерга қаратиб!

Ҳар тонг она ерга боқаман такрор,
Ўтли юрагимда ишқим минг карра.

Унга боқиб туриб ўйлайман бир бор:
У улкан тоғ бўлса, мен унда зарра!
Заррамиз,
томчимиз,
тирик жон борки,
Бир умр қидириб излагани Бахт.
Ўша Бахт у учун доимо ёр-ки,
Дилида яшаса Умид ва ҳам Аҳд.

Ерни она каби эъзозлаб суйган,
Нияти — шу замин доимо кулсин! —
Ҳар ишни дўндириб жойига қўйган
Пахтакор аҳлига олқишлар бўлсин!

ТЎЛҚИН.

Сахий куз бисотин ёйгани чоғлар
Кўкка бўй чўзади «оқ олтин» тоғлар

В. Юсупов фотоси (ЎзТАГ).

Янги журнал:

«ЁШЛИК»

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ—ЯНГИ ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЁШЛАР ЖУРНАЛИ ШУНДАЙ НОМЛАНДИ

Совет Ўзбекистони адабиёти кундан-кунга ривожланмоқда, камол топмоқда. Адибларимиз яратган ва халқимизнинг ҳаёти, яратувчилик меҳнати, тенгсиз жасорати чуқур ифода этилган баркамол асарлар кўп миллатли совет адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олмоқда. Бундай асарлар мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам довруқ қозонмоқда. Бу — партия ва ҳукуматимизнинг адабиёт аҳлига кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигининг ёрқин самарасидир.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Сергей Бородин номидаги мукофотлари таъсис этилиши ҳам республикамиз маданий ҳаётида қувончли воқеа бўлган эди.

Янги ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ёшлар журнали — «Ёшлик»нинг ташкил этилганлиги адабий жамоатчиликни тўлқинлантириб юборди.

Бу журналнинг ташкил этилиши ёш авлодни коммунистик руҳда ғоявий-сиёсий тарбиялаш ҳамда адабиётимизнинг келажаги бўлган ёш ижодкорлар камолоти йўлида партия ва ҳукуматимиз мунтазам кўрсатиб келаётган ғамхўрликнинг ёрқин бир намунасидир.

«Ёшлик» журнали келаси йилнинг январидан бошлаб мунтазам суратда, ойда бир марта, ўзбек тилида чиқиб туради. Дастлаб журнал 40 минггача бўлган нусхада чоп этилади. Унинг ҳажми — 8,4 шартли босма табоқ.

Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **С. О. АЗИМОВдан** янги журнал ва унинг вазифалари ҳақида гапириб беришни сўради.

— Янги журналнинг асосий вазифаси — ижодкорларни, хусусан, ёш адибларни, бошловчи қаламкашларни катта ижод йўлига жалб қилишдан иборат. «Ёшлик» журнали совет адабиётининг кўп миллатли характерини ёритади. Бепоён мамлакатимиздаги социалистик миллатлар ва элатларнинг миллий маданиятларининг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиш жараёнини кўзгудек ўзида акс эттиради.

Кўп миллатли адабиётимиз ўзига хослиги, ранг-баранглиги, талантларга бойлиги жиҳатидан жаҳон миқёсида нуфузли ўрин тутади. Журнал қардош халқлар адабиётининг ажойиб намуналари ва чет эллардаги истеъдодли адибларнинг энг сара асарлари билан ўзбек китобхонларини таништириб боради.

Партиямиз сиёсатини омма орасида ташвиқ қилишда образли содда тилнинг, адабиётнинг роли каттадир. Бу борада адабий жанрлардан, адабиётнинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиш журналнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

«Ёшлик» журнали адабиётимиз келажаги бўлган навқирон авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, унда марксча-ленинча дунёқарашнинг шаклланиши, социалистик реализм методини тўла-тўкис эгаллаши ҳамда профессионал маҳоратининг такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади. Журнал КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун курашда ёшларнинг ижодий ташаббускорлиги ва фаоллигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишга даъват этилгандир.

Янги журнал редакцияси ҳамда редколлегияси журналхонлар эътиборига тақдим этиладиган асарларнинг, мақолаларнинг ғоявий-бадиий ва илмий-назарий жиҳатдан юксак савияда бўлишини таъминлайдилар, деган умиддамиз.

«Ёшлик» журнали саҳифаларида ёзувчи ва шоирларимизнинг, ёш адибларимизнинг, республикамиз областларида истиқомат қиладиган қаламкашлар ҳамда бошловчи ижодкорларнинг энг сара, салмоқли асарлари мунтазам ёритилиб боради. Бу журнал ўнлаб, юзлаб истеъдодли ёшларни, янги номларни кашф этишига ишонамиз.

Шубҳасиз, янги ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ёшлар журнали — «Ёшлик» мамлакатимизда коммунизм қурувчи навқирон авлодни юксак идеаллар руҳида тарбиялаш ҳамда социалистик маданиятимизни янада камол топиши йўлида катта хизматлар қилади.

РЕДАКЦИЯДАН: келаси йил учун «Ёшлик» журналига обуна бўлишингиз мумкин. Янги журнал 1982 йил учун газета ва журналларга ёзилиш бўйича республика каталогига киритилган.

ЎТМИШ САДОЛАРИ

ШОИРНИНГ МУҲАНДИСЛИК ИСТЕЪДОДИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган бухоролик шоир Мирза Абдул-Азим Самий Бўстоний инженерлик лойиҳаларининг муаллифи бўлган эди. Бухоро область ўлкашунослик музейининг ходимлари чарм муқовали қалин дафтарда Самий ёзиб қолдирган дастхатлардан ана шуларни аниқладилар. Шоир ўз қўли билан ёзган ёзувлар алгебра ва геометрия формулаларини, масалаларни ва уларнинг ечилишини акс эттирган. Машҳур Минораи Калоннинг соясига қараб унинг баландлигини ўлчаш ҳисоби келирилган. Дафтерда Самийнинг аниқ фанларни ўқитиш тўғрисидаги фикрлари бор.

Математика дафтари Самий ҳаётининг номаълум саҳифасини кашф этди. Музейда ана шу ҳақдаги материаллар тўпланмоқда. Кейинги вақтларда топилган материаллар орасидан шоирнинг шу кунгача номаълум бўлган бир қанча шеърлари, шунингдек шоирга ёрдам сўраб келган бухоролик оддий кишиларнинг ариза ва илтимосномалари бор. Самий халқни талаб келган амир амалдорларини фош этувчи ҳужжатларни тўплаган. Самийнинг Аштархонлар сулоласи ва манғитлар ҳукмронлик қилган сўнгги йиллардаги воқеалар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Шоҳ саройи» асари тарих учун ғоят қимматлидир.

Шоир, тарихчи, математик, ўз даврининг энг билимдон кишиларидан бири бўлган Самий Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши тарафдорларидан бири бўлиб халқни маърифатга, маданиятли бўлишга даъват этган.

А. ФОЗИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Суратда: «Бинокор» хоккейчиларининг «Локомотив» (Москва) спортчилари билан учрашув пайти.

(ЎзТАГ фотоси).

АФҒОНИСТОН ШУ КУНЛАРДА

16 октябрь куни Москвада СССР Журналистлар союзи Бутуниттифоқ ижодий фото бирлашмасининг янги виставкалар зали «Афғонистон шу кунларда: воқеалар ва одамлар» деган мавзудаги экспозициялар билан очилди. ТАСС, АПН, мамлакатдаги бир қанча нашриётларда ишлаётган таниқли фотоусталар олган 160 сурат дўст Афғонистон халқининг ҳаёти ва курашини тасвирлайди.

Виставканинг очилиш маросимида Афғонистон Демократик Республикаси элчиси Ҳабиб Мангал, АДР Журналистлар союзи правлениесининг раиси Ҳайдар Масуд сўзга чиқдилар. Ҳозир бўлганлар орасида КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Севрук, СССР Журналистлар союзининг, Москва журналистлар ташкилотининг вакиллари бор эдилар.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ВЬЕТНАМ ЖАНУБИДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КУНЛАРИ

ХАНОЙ, 16 октябрь. (ТАСС). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг юбилейи арафасида Вьетнам жанубида Совет Иттифоқи кунларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу йил Совет Иттифоқи кунлари Совет Ўзбекистонининг ютуқларини намойиш қилиш мисолида ўтказилмоқда. Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри С. Пўлатов бошчилигидаги Совет — Вьетнам дўстлиги жамияти бўлимининг делегацияси бу ерга келди.

Хошимин шаҳрида ва Фукхань вилоятида Ўрта Осиёдаги ана шу совет республикасининг социалистик қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида, халқ ҳокимияти йилларида бу ерда содир бўлган жуда катта ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб кўргазмалар очилади.

Совет делегациясини Вьетнам — Совет дўстлиги жамияти Хошимин бўлимининг раиси Нгуен Хо қабул қилди. У Вьетнам Социалистик Республикасининг жанубида Совет Иттифоқи кунларининг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бу тадбир иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни ва жанговар бирдамликни янада кучайтиришга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, деди.

ВИЗИТ ЯКУНЛАНДИ

ГАВАНА. 16 октябрь. (ТАСС). Бу ерда Италия Компартияси Бош секретари Энрико Берлингуэрнинг Кубага қилган расмий дўстона визити ва унинг Куба Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Фидель Кастро билан олиб борган музокараларининг якунлари тўғрисида Куба-Италия қўшма баёноти эълон қилинди.

Ҳужжатда жаҳонда кескинликнинг кучайганлигидан ташвишланганликлари изҳор этилади. Ҳар иккала раҳбар ўзаро назорат йўли билан гарантияланган ва мувофиқлаштирилган ялпи қуролсизланиш жараёнини бошлаш тарафдори эканликларини билдирдилар. Халқлар оммасининг актив сафарбар этишгина тинчликка таҳдид қилувчи ҳар қандай ҳаракатга йўл қўймаслик учун ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин, дейилади баёнотда.

«АКАХАТА» ГАЗЕТАСИДА БОСИЛГАН ХАБАР

ТОКИО, 17 октябрь. (ТАСС). Япония Компартиясининг марказий матбуот органи «Акахата» газетасининг хабар беришича, Японияда «Янги антипартиявий ташкилот — Япония ишчилар партияси» тузилган.

Бу фактни Пекин дарҳол пайқаб олиб, мазкур гуруҳни қўллаб-қувватлаб чиқди. «Жэньминьжибао» газетаси шу партиянинг тузилганлиги тўғрисида батафсил ахборот эълон қилди. Пекин радиоси ҳам шу ҳақда хабар берди.

СССР БИЛАН ЯПОНИЯ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ҚАЙТА ТИКЛАНГАН КУННИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Фашистлар Германияси ва милитаристлар Японияси бошлаган уруш сабабли бизнинг мамлакатимиз билан Япония ўртасида узилиб қолган дипломатия муносабатлари Москвада қўшма декларация имзолаш йўли билан қайта тикланган кунга 19 октябрда чорак аср тўлади. Бу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги уруш ҳолатини расмий равишда тўхтатибгина қолмай, шу билан бирга уларнинг тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлини ҳам очди. Келгуси йилиёқ — 1957 йилда биринчи савдо шартномаси имзоланди, бу шартнома товар оборотини салкам 25 миллион доллардан иборат жуда оз миқдорда белгилади. Бироқ орадан бир неча йил ўтар-ўтмас неча миллиард оборотли уч ва беш йиллик савдо битимлари, дастлабки компенсация битимлари, катта миқёсдаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги шартномалар, иккала мамлакат хўжалик фаолиятининг турли соҳаларини ўз ичига олувчи бош битимлар тузилди.

Савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланиши билан айни бир вақтда бошқа турдаги алоқа ва ҳамкорлик ҳам ўрнатилиб, ривожлана бошлади, давлат арбобларининг ўзаро визитлари, парламент аъзоларининг алоқалари, министрлар ўртасидаги маслаҳатлашувлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги хилма-хил алоқалар, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик, спорт алоқалари ва туристларнинг сафарлари бошланди.

Бироқ қўшни мамлакатлар учун мана шу нормал муносабатларнинг шитобли ривожланиш жараёни бир текис ўтмай, зиддиятли бўлди. Япониядаги ва океан ортидаги нуфузли душман кучлар совет халқи билан япон халқи ўртасидаги қўшничилик ва дўстликка узлуксиз қарши ҳаракат қилиб келдилар ва ҳозир ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Япониянинг 1960 йилда АҚШ билан тузган «хавфсизлик шартномаси» деб аталган ва аслида СССРга қарши тиғ қайровчи ҳарбий иттифоқдан иборат бўлган шартнома шу жараён йўлида турган энг катта тўсиқларнинг бирига айланди. Бу нарса вазиятни ўзгартирди ҳамда Узоқ Шарқ районидаги ва Тинч океаннинг ғарбий қисмидаги сиёсий иқлимга салбий таъсир қилди. Бу ҳол иккала мамлакат халқларининг меҳнати билан бунёд этилган Совет—Япон муносабатлари негизига путур етказа бошлади. Унинг шу муносабатларга салбий таъсири ўтмишда бир неча бор намоён бўлди. Ҳозир ҳам у янада кўпроқ куч билан намоён бўлиб турибди.

1978 йил августида Япония ҳукмрон доираларининг сиёсати яна Советларга қарши эгри йўлга кирди. Япония вакиллари Пекинда ХХР билан «Тинчлик ва тинчлик тўғрисида шартнома» имзоладилар. Бу «шартнома» Хитой билан Япониянинг «Гегемонияга» ёки «Пекинча»дан таржима қилганда, СССРга ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига биргаликда қарши чиқишини кўзда тутади.

Бу икки шартнома Япония дипломатиясининг аравасини Токио эълон қилган «тенг масофалар дипломатияси»дан бир тарафга оғиб кетган бамисоли икки ғилдиракка айланди. Вашингтон билан Пекиннинг зуғми ва таъсири остида Япониянинг ҳукмрон доиралари халқаро майдондаги ишларда ўз мустақиллигидан тобора маҳрум бўлиб бордилар.

Вашингтон билан Пекиннинг катта ҳиссаси оқибатида авж олиб кетган нореалистик, аслида реваншчилик ҳаракатларига берилган Токионинг ҳукмрон доиралари Совет Иттифоқи билан муносабатларни ривожлантиришнинг Япония учун истиқболли йўлидан чекиниб, 1956 йилдан бошлаб шу муносабатлар соҳасида орттирилган ҳамма ижобий натижаларни хавф остида қолдирдилар.

Мана шундай сиёсат натижасида Япония ҳукмрон доиралари Совет-Япон муносабатларига зарба урибгина қолмай, шу билан бирга ядро қуролларидан азият чеккан мамлакат сифатидаги, ўз конституциясида куч ишлатишдан, урушдан ва қуролли кучлардан воз кечишни эълон қилган мамлакат сифатидаги ўз обрў-эътиборига ҳам путур етказдилар. Япония жаҳон ҳамжамиятининг кўз ўнгида ўзи ҳам имзо чеккан маълум халқаро шартномаларга, актларга ва битимларга хилоф равишда Узоқ Шарқда урушдан кейинги чегараларни қайтадан ўзлаштиришни талаб қилувчи бирдан-бир давлат бўлиб намоён бўлди. Ҳолбуки, масалан ГФР раҳбарлари СССР билан, Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатлар билан шартномалар тузиб, шунингдек Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи актини имзолаб, шу тариқа 70-йиллардаёқ бундай даъволар ҳамда урушдан кейин белгиланган чегараларни ўзгартириш йўлидаги уринишлардан воз кечиш учун етарли равишда реализм ва олисни кўриш қобилиятини намоён этдилар.

Дарҳақиқат, Узоқ Шарқдаги ва Осиёдаги сиёсий иқлим, халқаро кескинликни юмшатишнинг тақдири кўп жиҳатдан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар келгусида қандай ривожланишига боғлиқ. СССРда қўшни мамлакатнинг сиёсатида олисни кўриш ва реализм устун бўлиб чиқади, бу эса иккала мамлакатнинг манфаатларига, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига хизмат қилади, деган умидни изҳор этмоқдалар. Мамлакатимизнинг Япония билан чинакам яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган принципиал йўли ўзгармайди.

А. БИРЮКОВ.
(ТАСС).

СПОРТ

ШАХМАТ:

ҚИЗҒИН ЖАНГЛАР

Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан даъвогар А. Корчной ўртасидаги баҳсда олтинчи партия ниҳоясига етди. Бунда қора доналар билан ўйнаган даъвогар чемпионнинг хатосидан фойдаланди. Матчда жаҳон чемпиони 3:1 ҳисоби билан олдинда бормоқда.

Тошкент областининг Қибрай посёлкасида «Тошкент кузи» Бутуниттифоқ шахмат фестивали ниҳоясига етди. Анъанавий бу турнир ўн биринчи марта ўтказилди. Унда Совет Иттифоқининг турли бурчакларидан келган 120 дан ортиқ шахматчи иштирок этди. Улан-Удэ университетининг студенти С. Намжилов фестивалда ғолиб чиқди. У 9 имкониятдан 8 очкони қўлга киритди. Команда ҳисобида эса «Байкал» командаси биринчи ўринни эгаллади.

ХОККЕЙ:

«БИНОКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари бу йил мухлисларни хурсанд қилишяпти. Улар Москва темирйўлчиларини мағлубиятга учратгач, Череповецнинг «Металлург» командасини қабул қилдилар. Дастлабки ўйинда бинокорчилар бор маҳоратларини ишга солиб, тажрибали рақибларини 4:2 ҳисобида енгдилар. Иккинчи учрашувда эса рақиблар қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Шундай бўлса ҳам командамиз меҳмонларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳозир бинокорчилар пешқадамлар сафида бормоқдалар.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Биринчи лига командалари аёллар ўртасида ўзларининг чемпионатларини якунладилар. Хабар қилганимиздек, биринчи лигада муваффақиятли қатнашган Тошкент областининг «Политотдел» колхози қизлари олий лигага йўлланма олдилар. Иккинчи давра финал баҳслари бошланишидан олдинроқ колхоз спортчилари бу ҳуқуқни қўлга киритишди.

Иккинчи давра ўйинлари эса Москвадаги Сокольники паркида жойлашган «Спартак» спорт ўйинлари саройида ўтказилди. «Политотдел» чим хоккейчилари бу мусобақаларда ҳам яхши қатнашдилар. Улар Ереваннинг «Маяк» командасини 2:0, Ульяновскнинг «Спартак» командасини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, фақат майдон эгаларига (0:2) ютқазиб қўйишди.

Группада иккинчи ўринни эгаллаган Москва спартакчилари асосий рақиблари — «Маяк» командасини 2:1 ҳисобида енгиб, олий лигада муваффақиятсиз қатнашган Шяуляйнинг «Таурас» командаси билан ўтиш баҳслари ўтказадилар.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ —УМУМХАЛҚ ИШИ

МУҲИМ ВАЗИФА

Инсон ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ. Табиат қанча кўп эъзозланса, муҳофаза этилса, кишилар соғлиғи шунча яхшиланиб, халқ фаровонлиги орта боради. Инсон учун ҳаво, сув нақадар зарур эканини ҳамма билади. Кислородни ўсимликлар олами ишлаб чиқаради. Шу боис инсон измидаги табиат муҳофазаси, хусусан яшил бойлик—ўрмонлар ва ўсимликларни авайлаб асраш, кўпайтиришга йил сайин катта эътибор берилмоқда.

Айни пахта йиғим-терими қизиган паллада далаларга бир назар ташланг-а! Бир томонда адир-тоғлар, бир томонда чўл-саҳролар, яна бир томонда шаҳар-қишлоқлар. Илғор колхоз, совхозлар пахта далалари атрофини иҳоталаб, адирларни ўзлаштириб, боғлар, ўрмонзорлар барпо қилганлар. Булар пахтани сел, гармсел ва бўронлардан сақлайди. Андижон область Хўжаобод районидаги «Ленинизм», «Победа» колхозлари тошлоқ адирларни — денгиз сатҳидан 700-900 метр баландликкача бўлган тоғ ёнбағирларини ўзлаштирганлар. Ҳозир у ерда турли хил мевалар етиштирилмоқда. Афсуски, Фарғона адирлари ҳали тўла ўзлаштирилганича йўқ. Унинг ўзлаштирилиши пахтачилик ривожига салмоқли ҳисса қўшган бўлар эди.

Табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни яхшилашга барча колхоз ва совхозлар алоҳида аҳамият берсалар, пахтазорлар иҳоталаниб, табиий офатлар даф этилса, «оқ олтин» хирмонимиз янада баракали бўларди. Бу борада партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларини амалга ошириш ҳамманинг муҳим вазифасига айланмоғи лозим.

Пахтазорни табиий офатлардан муҳофаза қилиш чўл зонасида айниқса муҳим роль ўйнайди. Чўлда қатор совхозлар ёнғоқзор, мевазорлар ташкил қилиб, табиий офатларни тўхтатишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Олиб борилаётган бундай тадбирлар фақат пахтадан юқори ҳосил етиштиришга қаратилибгина қолмай, балки инсон соғлиғини ҳам муҳофаза қилишнинг муҳим омили эканини унутмаслигимиз керак.

М. ТУЙЧИЕВ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Здоровье. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Фильм спектакль. 16.55 — Мультфильм. 17.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.00 — Концерт. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 —Бугун — озиқ-овқат саноати ходимлари куни. 19.30 — Концерт. 20.10 — Само аравакаши. Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — Л. Бетховеннинг 9-симфонияси. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — АБВГДейка. 11.00 — Камалак. 11.30 — Донти ва Миккининг янги саргузаштлари. Фильм. 12.35 — Биз БАМни қураяпмиз. 13.15 — Концерт. 13.45 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 14.50 — Ёш келин-куёвлар телевизион клуби. 16.05 — Даврани кенг олинг. 17.35 — Илк қувончлар. Бадиий фильм. 7-серия. 19.00 — От спорти бўйича халқаро мусобақа. 19.45 — Ҳужжатли фильмлар. 20.15 — Цирк майдонида. 21.15 —Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Аёлларни эъзозланг. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўйлаб топ. 10.40 — Қўлингни бер, дўстим. Бадиий фильм. 11.45 — Бугун — озиқ-овқат саноати ходимлари куни. 12.10 — Нон ёпиш — гўзал иш. 12.20 — Концерт. 13.10 — Кинопублицист экрани. 13.55 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 14.35 —Реклама. 17.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — «Автомобилист» (Свердловск). 19.10 — Қуёш билан диолог. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Цирк, цирк, цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 Концерт

ҚИРҒИЗИСТОН. 15.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

19 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.25 — Болалар учун фильм. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Оналар мактаби. 16.55 — Бил ва уддала. 17.40 — Концерт. 18.05 — Мактаб ўқувчиларининг Улуғ Ватан уруши ветерани С. Ф. Маликов билан учрашуви. 18.45 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.15 — Футбол шарҳи. 19.45 — Концерт. 20.25 — Ақллилик балоси. Фильм-спектакль. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.25— Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.40 — Табиатшунослик. 10.55 ва 16.00 — Ю. Олёша ижоди. 12.00 — АБВГДейка. 12.30 ва 13.30 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 — Ботаника. 13.00 — Фан оламида. 14.00 — Илмий-оммабоп фильм. 14.15 — М. Горький. Тубанликда. 15.00 — Умумий биология. 15.30 — География. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ўз зиммамга оламан. Бадиий фильм. 21.05— Ҳужжатли фильм. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (М) — «Химик».

ТОШКЕНТ-I. 10.20 — Табиатшунослик. 10.40 — Виталий Бианки. Телефильм. 11.30 — Табиатшунослик. 11.50 — Аршин-мололон. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45— Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Оламда нима гап? 22.35 — Сўнгги дақиқагача. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Фарзандлар давом эттирадилар. Телефильм. 18.40 — Янги ҳосил ишончли қўлларда бўлсин. 19.00 — Олий математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 20.50 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги кузги Бутуниттифоқ кўриги. 21.00 — Илмий-оммабоп программа. 21.30 — Москва — IV программаси.

РАДИО

18 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 11.30 —Сиҳат-саломатлик радиожурнали. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Андижонликлар ташаббусига кенг йўл. 13.30 — Озиқ-овқат саноати ходимлари, Сизлар учун. 14.00 — Пахта—бойлигимиз. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15—Спорт программаси. 19.25 — Қўшиқ билан учрашув. 20.15 — Озиқ-овқат саноати ходимларининг талабларига бинобан концерт. 21.00 — Шаҳрисабз — тарихий шаҳар. 21.10— Пахтакорлар, ҳормангиз. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.15 — Машраб лирикаси.

19 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 —Социалистик турмуш тарзи. 9.35 — Пахтазор қўшиқлари. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Социалистик мажбуриятлар қандай бажарилмоқда? 14.00 — 60 центнерлик марра эгалланди. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — Ўзбек давлат телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестрининг солисти Ғ. Ваҳобов куйлайди. 21.00 — Шу куннинг муҳим сиёсий воқеалари. 21.10 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.30— Пахта терими илғорлари учун концерт. 22.30 — С. Қўқонбеков шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МЕҲНАТ БЎЙИЧА
ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ИШГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. ЧКАЛОВ
НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
АВИАЦИЯ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИГА

механика-йиғув ишлари слесари, йиғувчи-клепалчи, токарь, фрезерчи, штамповкачи, электромонтёр, ғишт терувчи, бетончи, газ-электр пайвандчи, дурадгор, умумий овқатланиш корхонаси хизматчилари керак.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларга 100 сўм ҳажмида нафақа берилади ҳамда 6 ой давомида кунига икки маҳал бепул овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли ва вақтбай-мукофотли. 15 процент район коэффициенти қўшиб берилади.

Справкалар олиш ва ишга кириш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: шаҳарларда — ишга жойлаштириш бюролари инспекторларига, районларда — меҳнат бўлими вакилларига.

Тошкент шаҳрида — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6 хона ва аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг район пунктларига мурожаат этилсин.

●

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/Хда **Кузнинг биринчи куни**, 21/Хда **Келинлар қўзғолони**, 22/Хда **Кузнинг биринчи куни (16.00).**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/Хда **Дилафрўзга тўрт ошиқ**, 21/Хда **Олифта**, 22/Хда **Тўйдан олдин томоша.**

●

М. АШРАФИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
КОНСЕРВАТОРИЯСИ

профессор ўқитувчилар

составидаги
вакант вазифаларга

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра доцентлари: музика назарияси (акустика), хор дирижёрлиги (вокаль), якка ашула, торли асбоблар (виолончель), пуфлаб чалинадиган асбоблар (валторна), опера тайёргарлиги, (опера симфония дирижёрлиги);

кафедра катта ўқитувчилари: композиция ва асбобларни созлаш (2 ўрин), 2-махсус фортепьяно, фортепьяно умумий курси (2), камер музика;

кафедра ўқитувчилари: КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод (КПСС тарихи), музика тарихи, (чет эл музикаси тарихи), тиллар (рус тили).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700035, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй, кадрлар бўлими.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 33-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-52-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02276. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 241.

2